

**Урганч давлат университети ректори Баҳром Исмоилович
Абдуллаевнинг университет профессор-ўқитувчилари,
ишчи-ходимлари ва талабаларига
МУРОЖААТИ**

Қадрли ёшлар ҳамда ҳурматли ҳамкасблар!

Бугун бутун дунёни ларзага солаётган COVID-19 – коронавирус номли пандемия бизнинг юртимизга ҳам кириб келгани барчамизни яна бир бор эътиборли, огоҳ бўлишга чорламоқда. Бу ҳолат юзасидан мамлакатимизда карантин эълон қилинган. Унга мувофиқ уйда қолишимиз, зарурат бўлмаганида уйдан кўчага чиқмаслик, гигиена қоидаларига қатъий амал қилишимиз зарур бўлмоқда. Карантин талабларини сўзсиз бажаришимиз эса бизнинг бучимиздир!

Халқимиз бутун инсоният сингари синовли кунларни бошидан ўтказмоқда. Аини дамда инсоният учун сабр, матонат ва бирдамлик синовли даври бошланди. Мамлакатимиз бугун ана шу оғир дамлардан муваффақиятли ўтиб олиш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан коронавирус келтириб чиқараётган муаммоларни бартараф этиш, бу жараёндан иложи борича кам талофат билан ўтиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, уларнинг ижросини таъминлаш орқали таҳдид солиб турган хавфнинг олдини олиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. “Ижтимоий масофа сақлаш”, “Уйда қолиш” ва “Масофадан ишлаш”, “Масофавий таълим” амалиётлари жорий этилмоқда.

Албатта, карантин шароитида ваҳима қилмасдан хотиржамлик билан вазиятга лоқайдлик ила қарамасдан ҳаракат қилиш лозим. Муҳтарам Президентимиз мурожаатида таъкидланганидек, “хавотирга ўрин йўқ, деб хотиржам бўлиш хиёнат ҳисобланади”. Шундай экан бу синовда сиз азиз ёшларимиз зиммасида ҳам бир қатор вазифалар бўлади.

Авваламбор, ушбу масъулиятли жараёнга барча профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимларнинг жиддий ёндашишлари, фанлар бўйича электрон таълим ресурсларини масофавий таълим платформасига босқичма-босқич жойлаштириб боришлари, гуруҳ мураббийларининг талабалар билан мобил алоқа воситалари орқали мунтазам равишда боғланиб туришлари муҳим ҳисобланади.

Соҳамиз масъулият ва фидойиликни талаб этади. Шу боис, яна бир бор буни чуқур ҳис этишимизга ундайдиган ушбу мурожаатнома ҳар бир профессор-ўқитувчи учун муҳим аҳамият касб этиши керак. Масофавий таълим жараёнлари самарадорлигини таъминлашда факультет деканлари ва кафедра мудирлари ҳар бир талабанинг мустақил таълим олишини қатъий назоратга олиши зарур лозим.

Карантин пайтида таътилдаги университет талаба-ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун турли илмий-ижодий танлов ва акциялар

ташқил этиш, ёшларимизни китобхонликка чорлаб, адабиётнинг ёрқин намуналари билан таништиришда жонбозлик кўрсатайлик.

2020 йил 3 апрель куни Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раислигида ўтказилган коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбарининг яна бир бор халқимизга мурожаати янгради. Хусусан, Президентимиз бугунги кунда уй шароитида тахсил олаётган талаба ва ўқувчи ёшларимизга юзланиб, “Азиз фарзандларим, уйда вақтингизни бекор ўтказманг! Онлайн дарсларни кунт билан ўзлаштиринг. Китоб ўқинг, билимингизни оширинг, бадантарбия ва жисмоний машқларни бир кун ҳам қолдирманг” - дея мурожаат қилди.

Қадрли ёшлар! Жонажон Ватанимиз ва Мухтарам Президентимизга садоқатингизни намойиш этиб, коронавирус балосини даф этиш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсати моҳиятини чуқур тушуниб етинг. Бу сиёсат чин маънода инсонпарварлик курашидир.

Барчангизнинг саломатлигингиз ватанимиз бойлиги эканини унутманг ва шахсий гигиена қоидаларига сўзсиз риоя қилинг. Бугун ҳар бир фуқаро ўз соғлигини ўзи ҳимоя қилиши билан карантин талабларига ҳисси қўшган бўлади. Сиз бу даврида ўзингиз ва оила аъзоларининг ҳам уйда қолишларини таъминлашга ёрдам беринг, уларнинг зериктирмаслик учун турли машғулотларни режалаштиринг.

Азиз ёшлар, юртимиз келажагини белгиловчи етук мутахассис эканингизни унутманг. Бугунги кунда республика телевидениеси ва ўзингиз таълим олаётган қадрдон университетингиз профессор-ўқитувчилари ижтимоий тармоқлар орқали сиз ўзлаштиришингиз лозим бўлган фанлардан дастур асосида маълумотлар, топшириқлар тизимини етказиб беришга ҳаракат қилмоқда. Иложи борича яратилган бу шароитлардан унумли фойдаланинг.

Бу имкониятдан тўла қонли фойдаланиб бадий ва илмий китобларни кўпроқ ўқишингиз ва шу орқали маънавий оламингизни кенгайтиришга, тафаккурингизни юксалтиришга эришинг. Бугун ёшлар ижтимоий тармоқлардаги ахборотлар билан кўпроқ таниша олиш имконига эга. Аммо, афсуслар билан айтиш керакки, баъзи ҳолларда ёлғон-яшиқ шов-шувли хабарларга ўйламасдан, билиб-билмай тарғиб қилишга сабаб бўлмоқдалар. Информациялар аниқлиги, ахборот гигиенаси муаммоси ҳам бугун долзарбдир. Сиз эса ўз маънавий билимларингиз асосида коронавирус билан боғлиқ ваҳима кўзғовчи ахборотларнинг тарқалиб кетишига қарши курашинг.

Мухтарам жамоамиз аъзолари, азиз ёшлар! Ҳар қандай ота-она фарзанларини истиқболи учун энг сара шароитни яратишни истайди. Яхшиликларни уларга тилайди. Шундай экан, биз ҳам сизга худди шундай ниятларни билдирамыз. Ишонинг! Қуёш ҳаммага бирдек нурини сочади. Бу синовли кунлар ўтиб кетади. Курашишдан, шижоатли бўлишдан, билим олишдан асло чарчаманг!